

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақидаги" 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармони-га мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 15 октябрь сешанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2013 йил 15 октябрь дам олиш кунини

деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Махалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.** Тошкент шаҳри, 2013 йил 8 октябрь.

Тошкент вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Оммавий маданият" – маънавият кушандаси" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТ ТАЪСИРЧАН БЎЛМОҒИ КЕРАК

Конференция Республика Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташаббуси билан Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Республика Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Куронов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ. Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институти раиси, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А. Саидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Х. Тўхтабоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Истиклолимизнинг ҳуқуқий, маънавий асосларини мустаҳкамлаш, хусусан, ёшлар маънавий онгини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғла-рига садоқат руҳида камол топ-тириш масаласи амалга ошири-лаётган илоҳотларимизда том маънода намоён бўлаётгани ҳақида таъкидлашди.

Бутун дунёда маънавий ху-ружларнинг кенг олиши, хусусан, "оммавий маданият"нинг киши-лар онгига салбий таъсири тақ-ликали ҳолатларни юзага кел-тирмоқда. Шундай бир шароит-да, Ватанимизнинг буюк келаж-агини куриш, олдимизда тур-ган муаммоларни ҳал этиш, ис-тиқлолимизни мустаҳкамлаш,

миллий ва умуминсоний мада-ният меросларини асраб-авай-лаш, ёшларимизни соғлом дунё-караш руҳида тарбиялаш бугун-ги куннинг муҳим вазифалари-дан саналади.

Шу маънода, Республика Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан маъ-навий хуружларнинг олдини олиш мақсадида турли мавзулар-да илмий-амалий анжуманлар, семинар ва давра суҳбатлари-нинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади.

"Оммавий маданият" – маъ-навият кушандаси" мавзусидаги республика илмий-амалий кон-ференциясида кўзланган асо-сий мақсад ҳам глобализация жараёнида мавжуд бўлган маъ-навий хуружларнинг олдини олиш, уларга қарши курашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга кенг татбиқ этиш бўйича тавсия ва хулоса-лар тайёрлашдан иборат.

Конференцияда маънавий таҳ-дидлар, хусусан, "оммавий ма-даният"нинг олдини олиш бўйи-ча нодавлат нотижорат ташки-лотларининг ижтимоий ҳамкор-лигини янада кучайтириш, бу борада маънавий-маърифий тар-ғибот ишларининг таъсирчанли-гини таъминлайдиган замонавий ин-формацион ва компьютер тех-нологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий им-мунитетини кучайтиришга қар-тилган самарали усул-усулбар-ни ишлаб чиқиш, улардан кенг фойдаланиш бугунги кундаги муҳим вазифа эканлиги алоҳи-да таъкидлаб ўтилди.

"Туркистон-пресс".

Чирчиқ шаҳрида "Карвон" савдо мажмуаси очилди. "Шоҳона сервис" хусусий фирмаси қурган мажмуада 192 та дўкон, "Ипотека банк"нинг жамғарма кассаси, она ва бола хонаси, милиция таянч пункти ва давлат солиқ инспекцияси шахобчаси ўрин олган.

– Мажмуазининг "Карвон" деб номлангани бежиз эмас, – деди раҳбар Рустам Абдураҳимов. – Халқимизда "Карвон кўп, ризқи бўлак" деган нақл бор. Шаҳарликларнинг дастурхонига ризқ-рўз улашиш мақсадида хизмат кўрсатиш кўла-ми ва сифатини яхшилаш, харидор ва сотувчиларга қулай шарт-шаро-



КАРВОН КЎП, РИЗҚИ БЎЛАК



ИПАК ЙЎЛИГА САЁХАТ ҚИЛАМИЗ

Кеча пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да "Ипак йўлида туризм" XIX Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмаси иш бошлади. Уч кун давом этадиган кўргазма "Ўзбекистон туризм" миллий компанияси ташаббуси билан ўтказил-япти. Унда 655 та компания иштирок этиб, шундан 65 таси дунёнинг 24 мамлакатидан келган.

– Туризм юқори даромад келтирадиган ва тез ривожла-надиган соҳа, – деди "Ўзбек-туризм" миллий компанияси бошқарув раиси Фаррух Риза-ев. – Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотлари-га қараганда, 2000 йилдан бошлаб туризм автомобиль, кимё, озик-овқат, электрон каби сонаот соҳалардан ўз-иб кетиб, биринчи ўринни эгал-лади. Халқаро туризм йўлига салкам 1 триллион АҚШ дол-лари микдорига фойда кел-тирмоқда.

Кўргазмада вилоятимизда туризм хизмати кўрсатаётган ташкилотлар ҳам иштирок эт-моқда. "Peto Persevero" сайёҳ-лик компанияси вакиллари "Ол-тин Буржулла – Тошкент ви-лояти туризмидаги асосий мас-калардан биридир" мавзусида-ги тақдимотни намойиш қилиш-моқда. Улар Бўстонлик тумани-даги туризм имкониатлари, "Novus Navis" пансионатида сайёҳлар учун яратилган замо-навий шариот ва имкониатлар ҳақида сўзлаб беришмоқда.

Хуршида МҲМИНОВА. СУРАТЛАРДА: сайёҳлик кўр-газмаси қизилқарми ўтмоқда. Еркебой БОТМРОВ олган суратлар.



Банк-молия тизими

ТАДБИРКОРУ ФЕРМЕРГА ҲАМКОР

Кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш, рақо-батбардош корхоналарни ишга ту-шириб, орон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, за-монавий сервис хизматини йўлга қўйиш, шу орқали аҳоли фаровон-

лигини ошириш ижтимоий-иқтисо-дий илоҳотларнинг устувор йўна-лиши бўлгани боис, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шариот, енгиллик ва имтиёзлар яратилая-пти. Бу соҳада банк-молия муасс-саларининг хизматлари катта.

– Юртбошимизнинг "Озик-овқат маҳсулот-лари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўндириш юза-сидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъ-минлаш мақсадида ўт-

ган йили тадбиркорлар-га 7 миллиард 103 мил-лион сўм кредит берил-ган бўлса, 2013 йил-нинг биринчи ярмида 5 миллиард 678 миллион сўм маблағ сонаот, қишлоқ ҳўжалиги, сер-вис ва хизмат кўрсатиш,

(Давоми 2-бетда).

Тараддуд

Вилоят шаҳар-туманлари қишлоқ ва маҳаллаларида ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови-ни ташкил этиш ва ўтказишга тайёр-

гарлик кўриш жараёни қизгин пал-лага кирди. Жумладан, Халқ депу-татлари Чиноз туман Кенгаши тайёр-гарлик билан боғлиқ барча ташки-лий ишларни пухта режа асосида амалга оширмоқда.

ИШЧИ ГУРУҲЛАР КЎЧА КЕЗМОҚДА

Авалло туман кенгаши-нинг "Фуқаролар йиғинла-ри раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчи-лари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғриси-да"ги қарори маҳаллий "Чи-ноз ҳаёти" газетасида эълон қилинди. Туман ҳокимлиги, "Махалла" хайрия жамоат фонди ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг сайлов-ларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қўмаклашув-чи комиссиясининг кенгай-тирилган мажлиси қақри-либ, навбатдаги муҳим таш-килий ишларни вақтида ва маромига етказиб бажариш хусусида атрофлича масла-ҳатлашиб олинди. Чунончи, қўмаклашувчи комиссия навбатма-навбат бажариши лозим бўлган ташкилий чора-тадбирлар яна бир бор

кўриб чиқилиб, фойдали фикр-мулоҳазалар билди-рилди. Сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини сайлов жараёнида иштирокчила-рига тушунтириш, сайлов-ни ўтказиш тартиб-қоидала-ридан фуқароларни кенг хабардор қилиш мақсадида жойларда семинар ва да-вра суҳбатлари ташкил этил-моқда. Сайловга тайёргар-лик кўриш ва ўтказишни меъёрий, услубий ва таш-килий жиҳатдан таъминлаш учун жараён тартибини бел-гилловчи тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, тасдиқланди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш иши гуруҳла-ри тузилиб, қўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари, фуқаролик жамия-ти институтлари вакиллари,

оммавий ахборот ходимла-ри ҳамкорлигида сайлов қонунчилигига риоя этиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни тўғри ташкил этиш масалаларига бағиш-лаб, жойларда семинарлар ташкил этиляпти.

– Маҳалламизда бешта кўча бор, – дейди "Қози" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Худойберди Холмухамедов. – 1260 аҳоли яшай-ди. Айни пайтда беш киши-лик иборат ишчи гуруҳи ту-зилди. Унинг аъзолари мус-тақил ҳаракат қилиб, кўча ва хонадонларда бўлишпа-ти, маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш учун номзодлар кўрсатиш, вакилар сайлаш тартиб-қоидаларини тушу-нтириш мақсадида суҳбатлар ўтказишмоқда.



СУРАТДА: (чапдан) Чиноз туман сайловга қўмаклашувчи комиссия аъзолари Орзиқул Маъмиров, Нигора Мухаммадиева, "Қози" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Худойберди Холмухамедов сайлов ҳақидаги материаллар билан танишмоқдалар. Даврон АХМАД олган сурат.

итлар яратиш ҳаракатидамиз. Бун-нинг учун "Ипотека банк" дан бир йилга 300 миллион сўм кредит олинди. Етмаганини ўзимиз қўшдик.

Очилиш маросимида сўзга чиқ-қанлар савдо мажмуасининг кел-гусидаги фаолиятига омад тилашди. Мажмуа қурилишида фаол ишти-рок этган қурувчилар вилоят ҳоки-мининг совгалари билан тақдир-ланди. Шу куннинг ўзидаёқ хари-дорларга хизмат кўрсатиш бошлаб юборилди. Дарвоқе, кейинчалик бу ерда қатор фавворалар қурилади. Очилиш маросимида вилоят ҳокими Ахмадхон Усмонов ишти-рок этди.

Феруза ТЎРАЕВА. Даврон АХМАД олган суратлар.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

САЙЁҲЛАР АВВАЛ БИЗГА КЕЛИШАДИ

Дастур доирасида қандай йирик лойиҳалар амалга оширилади? Вилоятдаги тарихий-маданий мерос объектларини тадқиқ, реставрация қилиш, консервациялаш, уларнинг ҳолатини яхшилаш белгиланган. Мехмонхона ва бошқа туризм инфратузилмасини қуриш ва реконструкциялаш бошлаб юборилди. "Янгибод" туризм базаси фаолияти яхшиланади. Паркент туманидаги "Сумча" дам олиш зонаси инфратузилмасини реконструкция қилиш кўзда тутилган бўлиб, ишлаб турган 220 ўринли мехмонхона мажмуаси қайта жиҳозланади. Яна қўшимча 50 ўринли коттеж қурилади. Шу каби қўлаб лойиҳалар дастурдан ўрин олган. Туризмни транспорт эҳтисоси таъминлаш эҳтиёжидан кўра, бу масалада ҳам янгиликлар бўлади. Албатта, бу йўналиш ҳам республика иши гуруҳи эътиборидан четда эмас. Хожикент темир йўл вокзалидан рекреацион ҳудудга яўловчиларни ташвиш хизматлари кенгайтирилиб, янги йўналишлар очилади. Тошкент вилоятидаги туризм масканларида ҳордиқ чиқараётганлар ва сайёҳларга қўшимча транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида 10 та махсус авто-транспорт воситалари харид қилинади. Бўстонлик, Окқўрғон, Паркент ва Пискент туманларида 253 та NEXIA энгил машинаси ва 194 та ISUZU автобуси юра бошлайди. Дам олиш кунлари аниқ жадал бўйича Тошкентдан Бўстонлик, Ангрэн, Паркент ва бошқа ҳудудларга қўшимча экскурсия йўналишларини оқшоқ кўзда тутилган. Зангтога, Паркент, Окқўрғон туманларидаги тарихий ёдгорлик мажмуаларини таништириш учун янги сайёҳлик йўналишлари очилади. Табиат қўйнида дам олишни хуш кўрувчилар учун ҳам янгиликлар бўлиши кутуляпти. Шуниси кўнарилик, хорижликлар энди вилоятимизга келиб нафақат ҳордиқ чиқаришади, шу билан бирга санат ва агротуризм билан танишиш имконига эга бўлишади. (Давоми. Боши 1-бетда).

Раис этиб сайланган куннинг эртасига Хайринисо Мирзажоннова азонда келиб, идоранинг у ёнига-бўёнига ўтиб қаради. "Ранг кўр - ҳол сўр" дейдилар. Йўқ, йиғиннинг биноси бундай аҳволда бўлмаслиги керак. Бу ерга келганлар идоранинг ташқи ва ички мулоҳазаси қараб, мулоҳаза ва муомала қиладилар. Йиғиннинг нуфузи шунга боғлиқ. Бинони тартибга келтирмаса бўлмайди. Шу ҳаёл билан раис қишлоқ кўчаларини айланди. Қабристонларга бирмабир кириб, нималаридир режалаштирди. Биринчи навбатда ҳомиёлар топиб, 8 миллион сўм ундирди. Эски, ташландиқ ҳолга келиб қолган бино қиёфаси бутунлай ўзгарди. 80 та стол-стул харид қилинди. Идора ҳовлиси Муствақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамлари қишлоқ ахли сайил ўтказадиган шинам жойга айланди. Энди маҳалла ва кўчаларни орасталашга киришилди. Кўчаларнинг четла-чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. "Ўзбекиризм" миллий компаниясининг консалтинг маркази ва Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти базасида касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ҳамда туризм соҳасини мутахассислари малакасини ошириш ва ўқитиш бўйича ташкилий ишлар бошлаб юборилган. Сайёҳларга бевосита хизмат кўрсатадиганлар учун хорижий экспертлар иштирокида турли семинар ва маҳорат дарслари ўтказилди. Шунингдек, Бўстонлик туманидаги туризм касб-хунар коллежида амалий машғулотлар ўтказиш учун замонавий жиҳозлар келтирилиб, моддий-техник база мустаҳкамланади. Лондондаги "World Travel Market", Берлиндаги "ITB", Мадриддаги "FITUR", Токиодаги "JATA", Пекиндаги "China Outbound and Tourism Market", Сеулдаги "KOTFA" ва бошқа нуфузли кўргазмаларда вилоятимиздаги сайёҳлик фирмаларининг иштироки халқорол тахрирларни ўрганишларида асқотади. Сўнгги савол. Дастурдаги ишлар самараси ўлароқ статистик рақамларда қандай ўзгаришлар кузатилади? Ҳисоб-китобларга мурожаат қилиб айтидиган бўлсам, ўтган йили вилоятда туризм соҳасида 22 миллион сўмликдан ортиқ хизматлар қўрсатилди. Қарор ижросига киришилган, 2015 йилга қариб, бу рақам 37 миллион сўмга етиши тахмин қилинапти. Буларга мехмонхона, санаторий-курорт, туристик-экскурсия ва бошқа хизматлар қиради. Шу йилнинг охирига қадар вилоятимизга 55 минг сайёҳ келиши кутуляпти. Дастур доирасидаги ишлар амалга оширилиши натижада 2015 йилининг ўзига сайёҳлар оқими салкам 70 мингга боради. Ўтган йили 6 минг чет эллик турист ташриф буюрган бўлса, келгуси йилнинг ўзига улар сафига яна минг киши қўшилиши кутуляпти. Мехмонхоналар ҳам 31 тадан 58 тага кўпаяди. Сухбатни Хуррият МҲИНОВА ёзиб олди.



ҚУМОВУЛГА БИР КЕЛИНГ

рига 1050 тул гул қўчатлари, маҳалларга кейинчалик соя-салқин берадиган манзарали дарактлар экилди. Аҳоли томорқаларига 3000 тулдан зиёд мевали даракт қўчатлари ўтказилди. Навбат қабристонларга келди. Худуддаги тўртта қабристон аввал тартибга келтирилиб, атрофларига

Нихоят, янги раис йиғиннинг ички инфратузилмасини рисоладагидек шакллантириб, амалий ишлар билан мунтазам шуғулланадиган қишлоқ кириши. Худуддаги ўн та маҳалланинг ҳаммасида ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, руҳий-педагогик тарбия билан шуғулланувчи "Ота-оналар университети" ташкил этилди. Маҳалла оқсоқолларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари "Оилаларни ўрганиш" дафтарларини очилди. Қишлоқдаги уруш ва меҳнат фахрийлари, ижтимоий ғимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есирлар, ногиронларга эътибор тубдан ўзгарди. Ўн та эҳтиёжманд оиланинг уйи ташмирланиб, бир чин етимга янги уй қуриб берилди. Беш ногирон аравача билан таъминланди. Икки йилнинг нари-берисидан шунча ўзгаришлар юз берди. Қумовул энди Ўрта Чирчиқ туманидаги энг намунали қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бири. Демак, қумовулликлар раис сайлашда янгиликлар эканлар. Даврон АҲМАД олган сурат.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, хусусан, уй-жой билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг бир қатор фармон ва қарорлари ушбу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш, аҳолини замонавий тураржойлар билан таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган дастурга мувофиқ, 2009-2012 йилларда Тошкент вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 уй-жой бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқлар кўрқига кўрк қўшган ушбу тураржойларга кўчиб ўтган аҳоли барча қулайликларга эга, шаҳар шaroитидан қолшмайдиган замонавий уйларида яшаётганидан мамнун. Пискентлик Жамшид Аҳмедов Келовчи қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Гулистон» маҳалласида намунавий лойиҳа асосида қурилган тўрт хонали уйда оиласи билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Намунавий лойиҳа бўйича бунёд этилган уйларида биз, аёллар учун барча қулайликлар ҳисобга олинган, - дейди Жамшиднинг турмуш ўртоғи Дилноза Аҳмедова. - Ошхонадан мехмонхона, айвон ва бошқа хоналарга ўтиш имконияти маъхуш. Бу асосий уй-рўзгор юмшакларини ҳовлига қишқасдан бажариш ва мехмон кутушида катта қулайлик тудғарилади. Гулистон маҳалласида намунавий уй-жойларнинг бунёд этилиши билан бу ерда мўъжаз стадион, болалар майдончаси, мини-банк, профмайлтика инспектори ва маҳалла посбонлари хоналарини ўз ичига олган гузар, тикувчилик цехи, озиқ-овқат дўконини ҳамда сарторшонхона қад ростлади. Икки йўллар асфальтланди. Маҳалла худуди ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарактлар экилди. Маҳаллага кираверишда

Ибротли оилалар

ҲАММА ГАП ТОТУВЛИКДА



Мадаминжон ота ҳозиргина 6-мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари бериб кетган гулдастага тикилиб, негандир кўнгли бўшади. Шодон болаларнинг кўлига остида жаранглаб турбиди. Кўларидан нам, аммо лабларида мамнунлик ифодаси. Ота ҳаётдан хурсанд. Ахир, қувонмай бўладими? 78 йил умр кўриш, жуфти ҳалоли билан қариш 55 йил бахтли ҳаёт кечириб, 8 фарзандини тарбиялаб, вояга етказиб, қолаверса, 44 йиллик меҳнат фаолияти орқали бугунгидек иззатга сазовор бўлиш юксак бахт эмасми? Бу эитиб киши ҳаётининг ибратли жиҳати шуки, 8 фарзанднинг барчасида дилимга ҳавас уйғотишга эришиди. Уларнинг бари олий маълумот олиб, айни пайтда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг турли жабаҳаларида меҳнат қилишмоқда. 3 ўғил - Раҳматилла, Ибодилла, Аҳмадилла ва икки қиз Латофатхон, Адибахон шифокор, Соҳиббахон педагогика коллежидида ўқитувчи, катта ўғил Маҳмудилла "Бекободцемент" ОАЖда, кичик ўғил Зиёдилла "Далварзин пахта заводи" ОАЖ-

Банк-молия тизими

ТАДБИРКОРУ ФЕРМЕРГА ҲАМКОР

Банк фаолиятдан мамнунимиз, - дейди "Султонова Гулчехра" МЧЖ раҳбари Гулчехра Султонова. - Филиал кўмаги билан замонавий технология харид қилиб, 20 мингга "Ломан Браун" зотли қўчоқ сотиб олдик. Ҳозир паррандачилик фабрикада 11 киши меҳнат қилапти. Шу билан бирга 75 гектар майдонда дон етиштирилмоқда. - Дастлаб ишни чорвачиликдан бошлаганимиз, - дейди. "Баҳромжон агро чорваси" фермер ҳўжалиги раҳбари Раҳматжон Матмусаев. - Ҳўжалигимизда 150 бош қорамол боқилапти. Соғин сигир ва новослар учун 105 гектар майдонга дон экиб, юкори ҳосил оляпимиз. "Ҳамкорбанк" филиали ёрдами билан 50 мингта эртли жўжа сотиб олдик. Аҳмадҷон РИХСИБОУЕВ.

Пахта - 2013



ТЕРИЛГАН ПАХТАНИНГ ПУЛИ НАҚД

Шимолӣ минтақа ҳисобланган Юқори Чирчиқ туманида ҳам бугун пахта йиғим-терими режаларини биринчи теримдаёқ адо этаётган фермер ҳўжаликларининг салмоқли ҳиссалари бор. Фермер Бахтиёр Сулаймонов галла ҳосилини 60 центнердан ошириб, давлатга режадагидан анча ортиқ дон топириб, пахтачиликда ҳам пешқадамликка эришди. Сақиз иш куниди қабул пунктига 78 тонна ўрнига 103 тонна юкори навли ҳосил топширди. Биринчи теримда ҳосилдорликни 39 центнерга етказди. Иккинчи терим якунида эса бу кўрсаткичнинг камида 45 центнерга етказишни мўлжаллапти. - Шаҳодат Ботирбекова, Исматилла Исмаилов, Ғайрат Анорқулов, Алиқул Абдураев сингари аъзолари

Барча ҳисса қўшсам дейди

Бугун юртимиз пахтазорларида ҳаман бўлиб очилиб, лўппи-лўппи ҳосилни кўз-кўз қилаётган муҳим санат хом ашёсини нестобуд қилмай териб олиш қизгин паллага кирди. Бу хайрли ишга таниқли ижодкорлар санъаткорлар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда. Улар тез-тез пахтакорлар ҳузурига ташриф буюришиб, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этишмоқда. Шундай учрашувлардан бири Юқори Чирчиқ туманидаги 661-, 672- ҳамда 673-терим отрядларида бўлиб ўтди. Ушбу маданий-маърифий тадбирда Муқимий номидаги мусикали драма театри актёрлари, вилоят академик халқ ҳадийи жамоалар дирекцияси ва "Ўзбекнаво" эстрада бирлшмаси вилоят бўлими хонандалари иштирок этишди. Тадбирни ташкиллаштиришда вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, маданият ва спорт ишлари, "Маънавият ва маърифат" тарбиёт маркази, "Ўзбекнаво" эстрада бирлшмаси вилоят бўлимидаги фаоллик кўрсатишди. Латифжон МАНСУРОВ.

Масъулиятсизлик

БИНО БИТТА, ТАШВИШИ МИНГТА

Мақтаб биносини ҳалигача балансмизга ўтказиб беришмаётгани бизни қинаяпти, - дейди мақтаб директори Уктам Раҳматиллаев. - Натижада, кўп муаммолар келиб чиқмоқда. Аслини олганда балансмизга бўлмаган бинодо фаолият юритишимизнинг ўзи нотўғри. Пудратчи қурилиш фирмаси бинонинг томидаги вентиляция тизимини якунига етказмаган. Палапартиш қилинган иш дарс жараёнида муаммолар келтириб чиқарапти. Мақтабдаги камчиликлар фақат шунга эмас. Директорнинг айтишича, бинони газ билан таъминлашда шомашошарликка йўл қўйилган. Керагидан ортиқ ҳажмдаги иссиқлик қозони ўрнатилган ва юқори босимли газ қувури ётқизилган. Бизга айтишларича, мақтаб яқинидаги маҳалла ахли 0,57 диаметри газ қувуридан фойдаланади. Шу (Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-хунара коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом"ига асосан куйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 3 columns: T/p, Taъlim muassasasi nomi, Manzili. Lists 9 educational institutions and their locations.

ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 3 columns: T/p, Taъlim muassasasi nomi, Manzili. Lists 1 educational institution and its location.

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, касб-хунара коллежининг таълим йўналишларида камидан биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув-ўқувчи, бошқаруш фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунара коллежининг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунара таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунара таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этади.

- 1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунара таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Туман (шаҳар) ҳокимининг тавсияномаси;
3. Сурвонмага;
4. Таржimai хол;
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак);
6. Илмий даражаси ва илмий унволари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
7. Илмий-ўқувчи ишлар ва ихтиролар рўйхати

- 8. 3,5x4,5 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
9. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режа (концепцияси);
10. Харбий гувоҳнома (ксеронусхаси);
11. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (турар жойи билан);
12. Меҳнат дафтрасининг ксеронусхаси (ходимлар бўлими томонидан тасдиқланган бўлиши керак);
13. ИИБдан маълумотнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй. Индекс: 100121. Телефон: 150-40-37.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан, ағалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан мол-мулк ва ер солигини тўлаш мuddатлари ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар белгиланган. Ҳар вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибда мажбурий ундирилади. Шундай экан мол-мулк ва ер солигини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Вилоят давлат солиқ бошқармаси.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МҲЖ бошланғич баҳоси бошқарма-бошқар оғиб борин тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Қйбрай тумани СИБ томонидан 18.02.2011 й. № 1131/28588-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қйбрай тумани, Байтўғрон ф.й. ҳудудига жойлашган оморхона иншоотлар. Бошланғич баҳоси - 328 310 984 сўм. 2. Қйбрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 4912-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қйбрай тумани, Оқ-Қовоқ қ.ф.й., Узумзор маҳалласидаги савдо дўконлари. Бошланғич баҳоси - 97 999 437,6 сўм. 3. Қйбрай тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 18281-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қйбрай тумани, Қйбрай ш.ф.й., Гулзор кўчаси, 49-уй. Бошланғич баҳоси - 573 155 278,2 сўм. 4. Қйбрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 4911-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қйбрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й., Вир Ботаника 1-уй, 25-хона. Бошланғич баҳоси - 33 352 065 сўм. 5. Қйбрай тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 4040/8-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қйбрай тумани, Қйбрай ш.ф.й., Мирпартон кўчаси, 6-уй. Бошланғич баҳоси - 155 173 447 сўм. 6. Қйбрай тумани СИБ томонидан 27.12.2011 й. № 2-204/2012-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент вилояти, Қйбрай тумани, Матқобулов қ.ф.й., Арча кўчаси, 7-проезд, 9-уй. Бошланғич баҳоси - 320 046 163 сўм. 7. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898-сонли ижро ҳужжати асосан Бекобод шаҳар 3-даҳа, 5-уй, 4-хонадон. Бошланғич баҳоси - 19 473 523 сўм. 8. Яккасарой тумани СИБ томонидан 06.05.2013 й. № 1-1415/13-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ц-13 мавзеси, 28-уй, 13-хонадон. Бошланғич баҳоси - 199 687 500 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 24 октябр кунин соат 11:00 да бошлаб ўтказилади. 9. Ҳамза тумани СИБ томонидан 20.06.2013 й. № 1-382/13-сонли

"REAL AUCTION" МҲЖ бошланғич баҳоси бошқарма-бошқар оғиб борин тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Зангиота тумани СИБ томонидан: 1. 2013 йил 14 майда № 9573-сонли ижро ҳужжати асосан: Зангиота тумани "Зоҳир техно мастер" МҲЖ оморхонасида сақланаётган: 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10 E 2189, техник носоз, бошланғич баҳоси - 4 391 000 сўм бўлган "ВАЗ 21063" расумли; 2. 2010 йил 4 февралдаги № 594-сонли ижро ҳужжати асосан: Зангиота тумани "Куктерак Матлубот Инвест" МҲЖ оморхонасида сақланаётган: 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01 J 384 СА, техник носоз, бошланғич баҳоси - 2 455 470 сўм бўлган "ВАЗ 2106" расумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 9 ноябр кунин соат 11:00 да бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион бошланғичдан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабдорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашни учун талабдорлар савдо таркибига тақлиф этиш билан тўзилган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган мажбуриятлар билан "REAL AUCTION" МҲЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мировид филиалига қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800010499600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказилган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

"SPARETRA" МҲЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси бошқарма-бошқар оғиб борин тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Қйбрай тумани СИБ томонидан 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и/ч. "Камаз" д.р. 11 X 0082. Бошланғич баҳоси - 7 736 778 сўм. 2. Қйбрай тумани СИБ томонидан 09.04.2010 й. № 3531/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и/ч. "Газ 66" д.р. 11 W 6468. Бошланғич баҳоси - 2 108 200 сўм. 3. Қйбрай тумани СИБ томонидан 04.09.2009 й. № 10357/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1971 й. и/ч. "Москвич 412" д.р. 11 У 2850. Бошланғич баҳоси - 214 731 сўм. 4. Қйбрай тумани СИБ томонидан 15.10.2009 й. № 10921/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и/ч. "Камаз 5320" д.р. 12 G 8529. Бошланғич баҳоси - 10 518 574 сўм. 5. Қйбрай тумани СИБ томонидан 17.12.2009 й. № 12400/8-сонли ижро ҳужжати асосан "Урал" д.р. 11 I 5796. Бошланғич баҳоси - 5 704 904 сўм. 6. Қйбрай тумани СИБ томонидан 21.01.2013 й. № 1-30/13-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и/ч. "Ваз 2103" д.р. 10 R 249 СА. Бошланғич баҳоси - 3 829 638 сўм. 7. Қйбрай тумани СИБ томонидан 05.03.2009 й. № 4132-сонли ижро ҳужжати асосан 1968 й. и/ч. "М 408" д.р. 11 U 1047. Бошланғич баҳоси - 384 820 сўм. 8. Қйбрай тумани СИБ томонидан 17.05.2010 й. № 4697/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и/ч. "Камаз 5511" д.р. X 110 ОСМ. Бошланғич баҳоси - 12 203 984 сўм. 9. Қйбрай тумани СИБ томонидан 23.02.2009 й. № 3114/11-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и/ч. "Газ 2401" д.р. 30 D 3293. Бошланғич баҳоси - 441 488 сўм. 10. Қйбрай тумани СИБ томонидан 09.04.2010 й. № 3540/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и/ч. "Газ 66" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси - 4 032 436 сўм. 11. Қйбрай тумани СИБ томонидан 26.04.2012 й. № 5782/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и/ч. "Дога" д.р. 01 K 336 ЕА. Бошланғич баҳоси - 3 175 509 сўм. 12. Қйбрай тумани СИБ томонидан 22.12.2008 й. № 9565/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и/ч. "Раф 2203" д.р. 11 T 1286. Бошланғич баҳоси - 439 206 сўм. 13. Қйбрай тумани СИБ томонидан 07.01.2010 й. № 141/8-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и/ч. "Камаз 5511" д.р. 10 P 954 АА. Бошланғич баҳоси - 11 670 251 сўм. Қйбрай тумани "Ариш Савло" УК оморидида сақланмоқда. 14. Қйбрай тумани СИБ томонидан 09.02.2011 й. № 996-сонли ижро ҳужжати асосан 1983 й. и/ч. "Газ 24" д.р. 10 D 214 ДА. Бошланғич баҳоси - 786 392 сўм. Қйбрай тумани ИИБ ИХХБ оморидида сақланмоқда. 15. Қйбрай тумани СИБ томонидан 01.02.2012 й. № 1087/11-сонли ижро ҳужжати асосан "Вафин ва макарон ишлаб чиқарилган ускуна". Бошланғич баҳоси - 365 709 490 сўм. Қйбрай тумани "Қйбрай нон" ИЧШК оморидида сақланмоқда. 16. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й. и/ч. "ДТ-75" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси - 3 466 588 сўм.

"YAGONA XAMKOR NURI" МҲЖга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги Ташкил ҳужжати масалалари бўйича агентлиги томонидан № 6058 АНДВ рақамли "Хорижий ишчи кучини жалб қилиш"га берилган рұхсатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

- Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Ўрта Чирчиқ тумани 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Янгийўл тумани 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Ангрэн шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Паркент тумани 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- 1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўдирилган шахсий ва-рақа;
4. Меҳнат дафтрасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабдорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишламаган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камидан уч йил мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2013 йил 2 ноябр кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.

Янги уйлар Сиз учун узок мuddатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНИ!

- Омонатчилигини кўпайтириши имконияти;
• Иштирокчи фоида савдосида 15 йил мuddатга ипотека кредити;
• Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
• Маши миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
• Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни - тежамкорлик ва арзон нарслар сарофи.



Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНИ!

- Танловдан ўтган инженирлар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
• Бир йиллик сифат кафолати;
• Узуржис нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



Мархамат, мурожаат қилинг!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
• Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
• "Камолот" ЁИХ бўлимига;
• Хотин-қизлар бўлимига;
• Қишлоқ қурилиш банк филиалларига, мининг банкларига;
• Қишлоқ қурилиш инвест филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрсабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

2013 йилда ҚИШЛОҚЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ҲОЈЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБЪЛ ҚИЛИШ БОШЛАДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНИ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
• Қўлай эълонлашув: дўкон, мактабларга яқин жойида;
• Замонавий дизайнли уйлар;
• Ҳар бир уй-эвой 6 сотих ер майдонига эга;
• Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равион йўлларга эга;



Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНИ!

- Иштирокчи ипотека кредити орқали тежаб қилинган малака имтиҳонини топширган ва орузларини амалга ошириш учун сарфланади;
• Янги уйлар янгида яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий таъдиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади;

Advertisement for MATBUOT tarkatuvchi (MATBUOT tarkatuvchi) with contact information and a list of branches across various regions.

Advertisement for Mirobod tumani TSPUI (Mirobod tumani TSPUI) with contact information and details about the company's services.

Advertisement for Chilonzor tumani hokimining TSPUI (Chilonzor tumani hokimining TSPUI) with contact information and details about the company's services.

Advertisement for IRGASHEV RUSTAM BIZNES (IRGASHEV RUSTAM BIZNES) with contact information and details about the company's services.

Advertisement for YAGONA XAMKOR NURI (YAGONA XAMKOR NURI) with contact information and details about the company's services.

